



## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ҲОЛАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ

**Хушвақтов Ўткир Темирович**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17897332>

**Аннотация:** Мазкур илмий ишда вояга етмаганлар жиноятчилигининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан жиноятчилик ҳолати, унинг динамикаси, ривожланиш тенденциялари, тузилиши ва ҳудудий хусусиятлари бўйича статистик маълумотлар ҳамда таҳлилий хулосалар келтирилган. Тадқиқотда 2020–2025 йиллар давомида вояга етмаганлар жиноятчилигида кузатилган ўзгаришлар, уларнинг сабаб ва оқибатлари илмий асосда ёритилган. Шунингдек, жиноятларнинг асосий қисми мулкка қарши жиноятлар эканлиги, безорилик ва фирибгарлик ҳолатларининг ўсиши ҳамда шахсга қарши жиноятларнинг мавжудлиги вояга етмаганлар орасидаги маънавий-руҳий муаммоларни кўрсатиб бериши таъкидланган. Тадқиқот натижаларига кўра, жиноятчилик асосан аҳоли зич ва урбанизация даражаси юқори бўлган ҳудудларда кўп учраётгани аниқланган. Муаллиф вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш бўйича комплекс профилактик чоралар ишлаб чиқиш зарурлигини илгари суради.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар жиноятчилиги, криминологик ҳолат, жиноятчилик динамикаси, жиноятчилик тенденцияси, жиноятчилик тузилиши, ҳудудий хусусиятлар, мулкка қарши жиноятлар, безорилик, профилактика, ижтимоий назорат.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги жамият учун жиддий хавф туғдирадиган ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса ҳисобланади. Шу боис вояга етмаганлар *жиноятчилиги ҳолатини* ўрганиш орқали ушбу хавфли ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаш, унинг сабаб ва оқибатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда уни бартараф этишга қаратилган комплекс чораларни ишлаб чиқишдан иборат.

И.И.Карпецнинг фикрига кўра, “Жиноятчилик ҳолати содир этилган жиноятлар ва уларни содир этган шахслар миқдоридир”<sup>1</sup>. Жиноятчиликнинг умумий ҳолатини содир этилган жиноятлар билан бир вақтда уни содир этган шахслар ҳам ташкил этади. Умирзаков Б.А.нинг

<sup>1</sup> Карпец И.И. Проблема преступности. – М., 1969. – 109 с.





таъкидлашича жиноятчиликнинг ҳолати миқдор ва сифат кўрсаткичлари орқали аниқланади. Жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичлари жиноятчиликнинг динамикаси орқали очиб берилса жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичларини эса жиноятчиликнинг даражаси ва тузилиши ташикил этади<sup>2</sup>.

Вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар бу 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуққа хилоф қилмишлар бўлиб, жиноятчиликнинг алоҳида элементини ташкил этади. Уларнинг ҳолати манфаатдорликка асосланган жиноятларнинг устунлиги, гуруҳ бўлиб содир этилиши, яширин (рўйхатга олинмаган) ҳолатларнинг юқори даражада бўлиши ва қайд этилган жиноятлар умумий сонининг камайиши билан характерланади. Бироқ уларнинг динамикаси, ривожланиш тенденцияси ва тузилиши турлича бўлиши мумкин.

Шу боис, вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳолатини тадқиқ этишда уни тўрт асосий йўналишда ўрганиш мақсадга мувофиқ: а) жиноятчиликнинг динамикаси; б) унинг ривожланиш тенденциялари; в) жиноятчилик тузилиши; г) ҳудудий хусусиятлари.

*Биринчи*, вояга етмаганлар жиноятчилиги динамикаси криминологияда умумий жиноятчилик таркибининг алоҳида ва ўта муҳим сегменти сифатида баҳоланади. Унинг ўзига хослиги шундаки, жиноят субъектлари ёш хусусиятлари, ижтимоий тажрибаси ва психологияси жиҳатидан катталардан кескин фарқ қилади. Шу боисдан вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик ҳолатини ўрганишда нафақат қайд этилган жиноятлар сони, балки уларнинг қайси шарт-шароитларда содир этилгани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги динамикаси деганда муайян давр (ой, йилнинг чораги, ярим йиллик, йиллик, беш йиллик, ўн йиллик, йигирма йиллик ва ҳ.к.) оралиғида умуман жиноятчилик ҳамда унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши ёки камайиши тушунилади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикасини вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳамда вояга етмаган жиноят содир этган шахслар кесимида таҳлил этамиз:

1) 2021–2024 ва 2025 йиллар (8 ой) статистикасига кўра, республика миқёсида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони йиллар кесимида турлича динамикага эга бўлган. Масалан, 2021 йилда қайд

<sup>2</sup>Умирзаков Б.А., Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олишни такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Т.: 2021. 26 б.





этилган 2595 та жиноятдан сўнг, 2022 йилда бу кўрсаткич 7,4 фоизга пасайган (2404 та). Бироқ, 2023 йилда жиноятчилик кескин ўсиб, 3421 та ҳолат қайд этилган. 2024 йилда эса 8,1 фоизга камайиб 3144 тага тушган. 2025 йилнинг дастлабки 8 ойида эса бу кўрсаткич 1301 тани ташкил этган.

Охирги беш йил оралиғида вояга етмаганлар жиноятлари расмий ҳисобда 50,1%га камайгани кузатилган. Бироқ бу кўрсаткич реал ҳолатни тўлиқ акс эттирмайди, чунки жиноятларнинг катта қисми яширин қолмоқда. Латентликнинг юқори бўлиши эса мавжуд статистиканинг ишонч даражасини пасайтиб, жиноятчиликка қарши тизимли чора-тадбирларни белгилашда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

Мазкур таҳлиллар вояга етмаганлар жиноятчилигининг умумий кўлами йилдан-йилга барқарор эмаслигини, балки турли ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-руҳий омиллар таъсирида ўзгариб турганини кўрсатмоқда.

2) Жиноят содир этган вояга етмаган шахслар динамикаси таҳлили 13–15 ёшдаги ва 16–17 ёшдаги шахслар доирасида алоҳида ўрганилди.

2020–2024 йиллар давомида жиноят содир этганлиги аниқланган вояга етмаганлар сонида сезиларли динамика кузатилмоқда. Жадвалдан кўриниб турибдики, *13–15 ёшдаги шахслар* томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари 2020 йилда 188 нафарни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда кескин ошган: 2021 йилда 444 нафар, 2022 йилда 678 нафар ва 2023 йилда 744 нафарга етган. Бироқ 2024 йилга келиб бу кўрсаткич 366 нафарга тушиб кетган. Демак, мазкур ёш тоифасида 2020–2023 йилларда барқарор ўсиш кузатилган бўлиб, 2024 йилда эса кескин пасайиш содир бўлган. Бу ҳолат профилактика ишлари самарадорлиги ёки латентлик даражасининг ўзгариши билан изоҳланиши мумкин.

*16–17 ёшдаги шахслар* бўйича таҳлил қилсак, 2020 йилда уларнинг сони 1088 нафарни ташкил этган бўлиб, кейинги йилларда муттасил ўсгани қайд этилган: 2021 йилда – 2151 нафар, 2022 йилда – 2434 нафар, 2023 йилда – 2855 нафар ва 2024 йилда эса 2998 нафарга етган. Кўриниб турибдики, катта ёш гуруҳи (16–17 ёш) ичида жиноят содир этиш ҳолатлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, йил сайин ортиб бормоқда.

*Жами ҳолатларга* эътибор қаратсак, 2020 йилда жиноят содир этган вояга етмаганлар сони 1276 нафар бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич икки баравардан ортиқ ўсиб, 2595 нафарга етган. Кейинги йилларда ҳам ўсиш давом этган: 2022 йилда – 3112 нафар, 2023 йилда – 3599 нафар. 2024



йилда эса умумий кўрсаткич 3364 нафарни ташкил этгани ҳолда, салкам 7 % га камайгани кузатилмоқда.

*Хулоса қилиб айтганда:* а) 13–15 ёшдаги жиноятчилар улуши қисқа вақт ичида кўпайган бўлса-да, 2024 йилда сезиларли даражада камайган; б) 16–17 ёшдаги шахслар эса асосий жиноят содир этувчи гуруҳ сифатида намоён бўлиб, уларнинг сони йил сайин муттасил ошган; в) умумий ҳолатда эса охириги беш йилда вояга етмаганлар жиноятчилиги ўсиш тенденциясига эга бўлиб, фақат 2024 йилда маълум даражада пасайиш қайд этилган.

*Иккинчи,* вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг йиллар кесимидаги ўсиш ва пасайиш *тенденцияларини* таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Гарчи жиноятчиликнинг миқдор кўрсаткичи нисбатан кам бўлса-да, унинг ижтимоий оқибатлари катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Масалан, бутун бир мактаб ёки маҳаллада атиги бир нафар вояга етмаган шахс жиноят содир этса ҳам, бу ҳолат мазкур жойда таълим ва тарбия жараёнида жиддий нуқсонлар борлигини англатади<sup>3</sup>.

2021–2022 йилларда вояга етмаганлар жиноятчилиги нисбатан пасайган бўлиб, бу ҳолат айрим жиҳатдан пандемиядан кейинги даврда ижтимоий назоратнинг кучайиши, таълим муассасаларида тарбиявий ишлар қайта йўлга қўйилгани билан изоҳланади.

Бироқ 2022–2023 йилларда жиноятчилик кескин ўсиб, 42,3 фоизга ошган. Бу жараёнга аҳолининг миграция жараёнлари, оилалардаги иқтисодий қийинчиликлар ва вояга етмаганларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этилмаслиги каби омиллар кучли таъсир кўрсатган.

2023–2024 йилларда эса жиноятчиликни яна 8,1 фоизга пасайганлигини кузатиш мумкин. Бу вақтда ички ишлар органлари ва маҳалла тизими ҳамкорлигида профилактик ишлар кучайтирилиб, айниқса безорилик ва ўғрилиққа қарши самарали чоралар кўрилгани муайян барқарорликка эришишга хизмат қилган.

2024–2025 йилларнинг дастлабки 8 оyi мобайнида жиноятчилик янада камайиб, 58,6 фоизга пасайган. Бу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жорий этилган янги профилактик механизмлар, шунингдек, таълим муассасаларида олиб борилган маънавий-маърифий ишлар самараси сифатида баҳоланиши мумкин.

Юқоридаги таҳлиллardan кўринадики, вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик ҳолати йилдан-йилга турли шаклда

<sup>3</sup> Ғофуров Ш.Р. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. - 2017. - №3. - Б.64.





ўзгариб бормоқда. Унинг асосий улушини мулкка қарши жиноятлар ташкил этса-да, безорилик ва фирибгарликнинг ўсиши ҳамда шахсга қарши жиноятларнинг мавжудлиги ушбу соҳада комплекс профилактик чораларнинг зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

*Учинчи*, Вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганишда нафақат унинг умумий кўлами ва динамикаси, балки тузилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилиши вояга етмаганлар томонидан содир этилган барча жиноятларнинг турларига ажратилган мажмуидир. Жиноятчилик тузилиши таҳлили вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг турлари, оғирлик даражаси ҳамда жабрланувчилар таркибини чуқур англаш ва самарали профилактик чораларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг асосий қисмини мулкка қарши жиноятлар ташкил этади. Хусусан, ўғрилиқ барча йилларда етакчи ўринни эгаллаб, умумий жиноятларнинг 40–45 фоизини ташкил этган. Бу ҳолат вояга етмаганларнинг моддий эҳтиёжлари, назоратсизлик ва осон йўл билан моддий манфаат топишга интилишлари билан боғлиқдир.

Шу билан бирга, безорилик жиноятчилик тузилишида салмоқли ўрин эгаллаб, айниқса 2023 йилда кескин ўсган (309 та ҳолат). Бу ўсиш ёшлар ўртасида зўравонлик, агрессив хулқ-атвор ва маънавий-руҳий муаммоларнинг кучайиб бораётганидан далолат беради.

Фирибгарлик ҳолатлари ҳам йил сайин ортиб бормоқда: агар 2021 йилда 68 та ҳолат қайд этилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 172 тага етган. Бу эса ахборот технологиялари орқали содир этилаётган жиноятларнинг ўсиш тенденциясини кўрсатади.

Шахсга қарши жиноятлар нисбатан кам учрайди, аммо ижтимоий хавфи юқори. Жумладан, қасддан оғир тан жароҳати етказиш кўрсаткичлари барқарор равишда 3–4 фоиз атрофида сақланиб келмоқда. Бу ҳолат кўпинча вояга етмаганлар ўртасидаги жанжаллар, гуруҳ тўқнашувлари ёки ичкиликбозлик таъсирида содир этилади. Қасддан одам ўлдириш ҳолатлари эса жуда кам (умумий жиноятчиликнинг 1 фоизидан кам), бироқ уларнинг ижтимоий хавфи ўта юқори.

Бундан ташқари, талончилик, босқинчилик ва транспорт воситасини олиб қочиш каби оғир жиноятлар ҳам учраб туради. Улар сони нисбатан кам бўлса-да, ёшлар орасида уюшганлик ва жиноий гуруҳчилик тенденцияларининг пайдо бўлаётганидан дарак беради.





Тажрибалар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар томонидан содир этилган оғир жиноятларнинг асосий қисми жамоавий тарзда амалга оширилади. Бу ҳолат вояга етмаганларнинг психологик жиҳатдан тенгдошлар таъсирига тез берилишини ва мустақил қарор қабул қилиш қобилияти етарли даражада шаклланмаганини англатади.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги катталар жиноятчилигидан фарқ қилувчи қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, бу ёш хусусиятларида намоён бўлади. Ўсмирлик ёши доимо ўтиш даври, яъни инқирозли давр сифатида таърифланади. Ўтиш даври нима дегани? Биологияда ўтиш ёши организм ривожланишининг шундай фазаси ҳисобланадики, у муайян ташқи ва ички омилларга юқори даражада сезгирлик билан ажралиб туради. Ўсмирлик ёши энг аввало инсоннинг жинсий етилиш даври бўлиб, шахснинг барча соҳалардаги ҳаддан ташқари фаоллиги билан тавсифланади. Бу давр бошида ўсмир ўзининг муайян жинсга мансублигини англай бошлайди, қарши жинс вакилларига қизиқиш уйғониб, илк жинсий мойиллик аломатлари намоён бўлади. Жинсий характердаги маълумотлар ўсмир учун ўта жозибадор кўринади. Шу билан бирга, маълум қадриятларнинг қайта баҳоланиши, ташқи қиёфасига муносабатнинг ўзгариши юз беради<sup>4</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганлар жиноятчилиги тузилишида мулкка қарши жиноятлар етакчи ўринни эгаллайди, ўғрилиқ эса уларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бироқ безорилик ва фирибгарликнинг ўсиши, шунингдек, шахсга қарши жиноятларнинг мавжудлиги ёшлар орасида маънавий-руҳий муаммоларнинг чуқурлашиб бораётганини кўрсатмоқда. Оғир ва ўта оғир жиноятлар улуши кам бўлса-да, уларнинг ижтимоий хавфи жуда катта. Жабрланувчилар таркибида эса асосан тенгдошлар, катталар ва давлат мулки устунлик қилади. Шунинг учун мазкур таҳлил вояга етмаганлар жиноятчилигини чуқур ўрганиш ва унинг олдини олишда муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

*Тўртинчи, вояга етмаганлар жиноятчилигини ҳудудлар кесимида ўрганиш ушбу ҳодисанинг қайси жойларда кўпроқ қайд этилаётганини*

4

Емельянова Л.В. Статистика преступности несовершеннолетних в России. – М.: Судебно-правовая реформа, М.:ТГУ, 2013. – 276 с.; Турунова М.Н. Характеристика преступности несовершеннолетних, обусловленной влиянием сети интернет // Вестник Алтайской академии экономики и права. 2021. № 9-1. С. 99-103; Гаджиева А.А. Дети – жертвы в своей семье. – М.: Криминологическая ассоциация, 2012.-145 с.; Майков В.Ю. Преступность среди подростков. – М.: Российское право, 2012.- 240 с.; Жаровских А. Понятие преступности несовершеннолетних [Текст] / А. Жаровских // Молодой ученый. – 2014. – №4. – С. 838-840.





аниқлаш, унинг сабабларини очиб бериш ва мақсадли профилактик чораларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассислар жиноятчиликнинг хусусиятларини алоҳида эътибор билан ўрганадилар, чунки уларнинг асосий мақсади ушбу салбий ҳодисага қарши курашишнинг самарали чораларини ишлаб чиқишдан иборат. Муҳим мезонлардан бири жиноятларнинг ҳудудий хусусият касб этиши бўлиб, у муайян минтақа миқёсида намоён бўлади. Шу боис, вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашиш бўйича ёндашувларни ишлаб чиқишда ҳудудий омилни ҳисобга олиш зарур.

Жиноятчиликда ҳудудий тафовутларни аниқлаш маҳаллий шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, жиноятчилик сабаблари тўғрисидаги тасаввурларни аниқлаш ҳамда унинг ҳолатидаги ўзгариш йўналишларини белгилаш имконини беради. Шу асосдан келиб чиқиб, вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳудуддаги ҳолатнинг кўрсаткичларидан бири сифатида намоён бўлади, деб хулоса қилиш мумкин.

Вояга етмаганлар *жиноятчилиги ҳудудий жиҳатдан* кўриб чиқилганда, шаҳар ва қишлоқ жиноятчилигининг улуши деярли бир хил кўрсаткичларга эга эканлиги маълум бўлади. Бу ҳолат вояга етмаганларнинг жамият ичидаги ўзгаришларга сезгир муносабат билдириши билан изоҳланади.

2022 йилда республика бўйича вояга етмаганлар томонидан 2141 та жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши турличадир. Жиноятчилик энг кўп қайд этилган ҳудудлар – Фарғона вилояти (750 та ёки умумий ҳолатларнинг 35% дан ортиғи), Тошкент шаҳри (308 та ёки 14,4%), ҳамда Тошкент вилояти (255 та ёки 11,9%) ҳисобланади. Бу ҳудудларда жиноятлар кўплиги аҳоли зичлиги, ёшлар улушининг катталиги ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан изоҳланиши мумкин.

2023 йилда республика миқёсида жиноятчилик кескин ўсиб, 3421 та ҳолат қайд этилган. Ҳудудлар кесимида энг юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри (581 та), Фарғона вилояти (672 та), Наманган вилояти (396 та), Тошкент вилояти (312 та) ва Андижон вилояти (280 та)да қайд этилган. Бу ҳудудларда аҳоли зичлиги юқори бўлиб, ёшларнинг назоратсиз қолиши, меҳнат бозоридаги бандлик муаммолари ҳамда ижтимоий мувозанатсизлик жиноятчиликка туртки берган омиллар сифатида кўрилади.





2024 йилда республика бўйича жиноятлар сони 3144 тага камайган бўлса-да, масала жамият учун ҳамон долзарблигича қолмоқда. Жиноятчилик асосан Фарғона вилояти (591 та ёки 18,8%), Тошкент шаҳри (561 та ёки 17,8%), Наманган вилояти (324 та ёки 10,3%), Тошкент вилояти (298 та ёки 9,5%) ва Самарқанд вилояти (212 та ёки 6,7%)га тўғри келган. Ушбу беш ҳудуд умумий кўрсаткичнинг қарийб ярмини ташкил этади. Бу ҳолат аҳоли зичлиги юқори ва ёшлар билан боғлиқ муаммолар кескин намоён бўладиган ҳудудларда жиноятчилик юқорилигини тасдиқлайди.

2025 йилнинг дастлабки 8 оyi давомида эса республика бўйича 1301 та вояга етмаганлар жиноятлари қайд этилган. Энг кўп жиноят содир этилган ҳудудлар қаторидан Фарғона вилояти (239 та ёки 18,4%), Тошкент шаҳри (218 та ёки 16,8%), Самарқанд вилояти (135 та ёки 10,4%) ва Наманган вилояти (133 та ёки 10,2%) ўрин олган.

Илмий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар жиноятчилиги асосан аҳоли зич жойлашган ва урбанизация даражаси юқори бўлган ҳудудларда (Тошкент шаҳри, Фарғона, Самарқанд ва Наманган вилоятлари) кўп қайд этилмоқда. Бу эса профилактика ишларини асосан шаҳар ва йирик туман марказларида кучайтириш зарурлигини англатади. Шу билан бирга, вояга етмаганлар ўртасида мулкка қарши жиноятлар, айниқса ўғрилиқнинг устунлиги уларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари, назоратсиз қолиши ва меҳнат билан банд эмаслиги билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади.

